



Бундан роппа-роса кирк олти йил аввал Львов шахридан Абдулла Кодирий номига бир хат келган. Украиналик китобхонлардан бири "Ўтган кунлар" романини ўкиб, асар муаллифи номига йўллаган хатида, жумладан, бундай сўзларни ёзган эди:

"Абдулла Кодирий! Вақтингиз бўлса мактубимга жавоб ёзишингизни, сиз билан ўртоқлашиб ёзганларим тўғрисида фикрингизни билишни истайман. Мени тушунсангиз керак. Юкорида айтганимдек, мен хали ҳеч кимга бундай хатни ёзмаганман. Буни ёзишга мени Сиз ва Сизнинг китобингиз мажбур этди..."

Люда Неломяше шу хатини тугатгач, яна куйидаги сўзларни илова қилган: "Билсангиз эди, Отабек ҳақда яна бирон нарса ёзиб беришингизни жуда-жуда истардим!"

Бундай соддадиллик билан ёзилган хатларни ўқир экансиз, ёзилганига саксон йил бўлганига қарамай, "Ўтган кунлар" романининг минглаб китобхонларни ҳамон ҳаяжонлантириб келаётганидан, улар Отабек ва Кумушнинг тарихий шахслар бўлганига ишониб яшаётганларидан хайратга тушасиз. Отабек билан Кумушнинг фарзанди Ёдгорнинг изларини ахтаришга қаратилган уриниш эса хали адабиёт тарихи кўрмаган гаройиб бир ҳолдир.

Мен "Хуррият" газетасининг 2001 йил 21 ноябрь сонидан босилган "Ўтган кунлар"нинг давоми" номли мақолани ўқигач, дастлаб, майли, Шукур Жабборов ўзининг романтик ҳаёллари оғушида юриб, Отабек ва Кумушнинг, уларга кўшиб Ёдгорнинг тирик кишилар бўлганига ишонса ишона қолсин, деган фикрга бордим. Аммо ўйлаб қарасам, гарчанд ширин бўлса ҳам, бир ёлгоннинг тарқалиши кўплаб кишиларни қалқитиши, уларнинг бадиий адабиёт ҳақидаги тасаввурларини жўнлаштириб қўйиши мумкин экан. Шунинг учун ҳам ушбу жавоб-мақолани ёзишга аҳд қилган эдим, ўшанда.

Ёзувчи роман ёзишга киришганда, у ҳоҳ тарихий, ҳоҳ замонавий мавзуда бўлмасин, албатта, ҳаётда бўй берган воқеалардан фойдаланади, тирик кишиларнинг ўзига ҳос фазилатлари, қиёфалари, гап-сўзларини тасвирга тортади. Агар бу воқеалар ва бу кишилар ёзувчи бадиий нияти ёхуд мақсадининг бўйга чиқишига хизмат этса, албатта. Абдулла Кодирийнинг "Ўтган кунлар" романини ёзишдан муроди, ўзи айтганидек, халқимизни янги замоннинг — XX асрнинг "Тоҳир-Зухра"лари, "Чор дарвеш"лари, "Фарход-Ширин" ва "Баҳромгўр"лари билан таништириш бўлган. Бу мақсадни амалга ошириш учун у отасидан эшитган воқеаларга мурожаат этган.

Ёдингиздами: "Мен, ёзувчи, "Ўтган кунлар" ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас, фақат бир жойигина мени зериктирар эди. Бу кун мен шу "Ўтган кунлар"ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган қаслини ташлаб ўтувга мажбур бўлдим". Бу сўзлардан, мақола муаллифи ўйлаганидек, романда тасвир этилган воқеалар ҳаётда, албатта, бўй берган, деб ҳулоса чиқариш мумкин. Бундай ҳулосани Хабибулла Кодирийнинг "Отам ҳақида" номли китобида келтирилган Ёқуб Алиевнинг хотираси ҳам тасдиқлайди.

1932—1936 йилларда Ўзбекистон Давлат университети (Самарқанд) да таҳсил қўрган, ёзги таътил кезларида эса Тошкентда яшаб, Абдулла Кодирий билан кўп бор мулоқотда бўлган Ёқуб Алиевнинг хотирлашича, адиб "Ўтган кунлар"нинг яратилиш тарихини ҳикоя қилиб, бундай деган:

"Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларининг шохиди

бўлган отам ёшлигимда кизик-кизик хотираларни сўзлаб берарди. Бу хотиралар менда тарихга кизикиш уйготди. Сўнгра ўша даврларимиз тарихига оид анча китоб манбалари билан ҳам танишиб чикдим. Кўлим каламга хийла келиб колгач, менда ана шу ўтмишдан Гарб романчилиги асосида каттарок бир асар яратиш хаваси ту-гилди. Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эдилар. Аммо бу воқеаларни қандай қилиб бир ипга тизишни, қозога туширишни тасаввур қила олмасдим. Узок вақт ўйлаб, излаб юрдим.

Кунларнинг бирида богимизга отамни кўргани эшак миниб шаҳардан бир чол меҳмон бўлиб чиқди. Меҳмонни мен танимасдим. Отамнинг эски кадрдони экан. Меҳмон қилдик. Отам шу чоғларда юз ёшларда бўлиб, меҳмон эса ундан ўн-ўн беш ёш кичик кўринар эди. Улар суҳбат қиларкан, қулоқлари оғирлашиб қолгани учун бир-бирларининг сўзларини ихши эшита олмас эди. Шу сабабли менга улар ўртасида тилмоч бўлиб, чой қуйиб ўтиришга тўғри келди. Отам меҳмондан сўради: "Андижондаги хотинингиздан неча болангиз бор?" Уларнинг суҳбатидан мен англадимки, бу меҳмон тошкентлик бўлиб, уйли-жойли, бола-чақали киши экан. Аммо сшлик чоғларида савдо важи билан Андижонга бориб қолиб, у ерда кўп йиллаб истикомат қилган, Андижондан ҳам уйла-ииб бола-чақали бўлган ва кексайгач, ўз шаҳрига қайтиб келган экан.

Меҳмоннинг ана шу соддагина тарихи менга чувалган ипнинг учини топиб бергандай, ёзмокчи бўлган "Ўтган кунлар" романининг шаклини қизиқ бергандай бўлди. Шу асос-да бошимда воқеани секин-аста кенгайтира, ривожланти-ра бошладим. Беш-олти ойлаб ҳаёл суришим натижасида романим ҳозирги шаклига келди ва кўлимга калам олдим... " Ёқуб Алиев, Ҳабибулла Қодирийнинг ёзишича, 1938 йили вафот этган. Демак, у "Ўтган кунлар" романининг ижодий тарихи, асосий қахрамонларнинг прототиби сингари масалалар юзасидан адибнинг фикрини эшитган ва ушбу маълумотни ўша йиллардаёқ Отабек ва Қумушнинг қожиали муҳаббати билан яшаётган ёр-биродарларига айтган. Биз марҳум Ёқуб Алиев тўғрисида ҳозирги кунларга қадар етиб келган ана шу маълумот асосида Отабек образининг прототиби тўғрисида тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Адиб романи ёзиш жараёнида ўша кезлари юз ёшларда бўлган отасидан беш-ўн ёш кичик кўринган, қулоғи оғирлашиб қолган бояғи меҳмон ҳаёти фактлари билангина қиёяланиб қолмаган. Аммо унинг Андижонга бориб қолиши ва у ерда уйланиши билан боғлиқ ҳаётининг воқеа "Ўтган кунлар" романининг ёзилишига туртки берган. Бинобарин, адиб романда Андижонни Марғилон билан "алмаштирган". Агар ана шу ҳаёт ҳақиқатидан қилиб чиқадиган бўлса, романдаги Отабек ва Қумушнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ барча воқеалар адиб ижодий ҳаёлининг маҳсулидир.

Шубҳасиз, савол қилиши мумкин: нахотки, "Ўтган кунлар"дек ўзбек романчилик мактабига тамал тошини қўйган асар яратилса-ю, на ёзувчи, на бирорта адабиётшунос Абдулла Қодирийдан романининг ижодий тарихига алоқадор фикрларини олиб "Ўтган кунлар" романи эълон қилиниши биланок нафақат китобхонлар, балки ёзувчилар ва танқидчиларнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратган. Сотти Ҳусайн дастлаб "Шарқ ҳақиқати" газетасида романи бағишланган китобини тўла эълон қилган. Ойбек эса Тил ва адабиёт институтининг илмий режаси асосида "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" деган тадқиқотини яратган. Шубҳасиз, Сотти Ҳусайн ҳам, Ойбек ҳам роман муаллифи билан кўп бор мулоқотда бўлганлар. Аммо уларнинг бирортаси Отабек ва Қумуш образларининг прототиби тўғрисида, бир оғиз бўлсада, сўз айтмаган. Негаки, ҳаётда бу икки қахрамоннинг биз орзу қилган ва ахтарган тайёр прототиби бўлмаган.

Атоқли адабиётшунос олим Иззат Султон ҳам Абдулла Қодирий ижоди, хусусан, "Ўтган

кунлар" романи билан махсус шугулланган. У бизни кизиктирган масала бўйича куйи-дагиларни айтган:

"1929—1930 йиллар бўлса керак, ёзувчиликка хаваскор ёш кезларим эди. Бир куни hozirги Лойиха институтининг биносида ёш ёзувчиларнинг Кодирий билан учрашуви бўлди. У киши саволларга жавоб кайтариб, ўз тажрибаларидан сўзлаб бердилар. Мен Кодирийдан: "Ўтган кунлар " романингиз воқеий асарми?" деб сўрадим. "Йўк, — дедилар у киши, —романдаги беш-ўн фоиз айрим тарихий воқеалар, шахсларгина воқеий. Колганлари — ёзувчининг махорати... "

Иzzат Султоннинг хотирасида колган бу учрашув 1935 йили бўлиб ўтган ва Абдулла Кодирийнинг мазкур учрашувда айтган баъзи бир сўзлари макола тарзида эълон қилинган. Лекин адиб бу маколасида ҳам қахрамонларнинг ҳаётий асослари тўғрисида ҳеч нарса демаган.

Китобхон: "Маили, сиз айтаётгандек, Кодирийлар уйига эшак миниб келган бояги қулоғи оғир чол Отабек образига ҳамиртуриш бўлган, дейлик. У холда нега адиб Андижонни эмас, балки Маргилонни Қумушнинг ватани сифатида тасвирлаган?" деб сўраши мумкин. Гап шундаки, Абдулла Кодирийнинг ушбу романни ёзишдан мақсади Отабек билан Қумушнинг муҳаббатини дoston қилишдангина иборат бўлмаган. Унинг асосий мақсадларидан бири XIX асрнинг 60-йилларида бошланган ва ҳамон давом этаётган тарихий жараёни таҳлил этиш, Туркистоннинг хонлик тузуми чириб битганлиги туфайли мустамлакага айланганлигини айтиш ва ҳамон мустамлакачилик шароитида яшаётган замондошларида миллий гурур туйғусини уйғотишдир. У ўзининг асосий мақсадини асарда тасвир этилган воқеалар катига ингириб кетган.

Модомики, hozirги Ўзбекистоннинг асосий қисми ўша пайтда Қўқон хонлигига қараган экан, унинг Андижонни эмас, балки хонликнинг гўзал бир гўшаси — Маргилонни танлашида катта маъно бор. Зеро, Маргилон, биринчидан, хотин-қизларининг гўзаллиги, ифқатлилиги ва ширин тиллилиги билан машҳур бўлган, иккинчидан, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига, шу жумладан, Андижонга қараганда қўча-қўйлари-ю бозорлари-ю одамларининг қиёфалари-ю табиати билан ўта миллий шаҳар эди.

Ш. Жабборовни ҳам, ўйлаймизки, унга фикрдош бошқа китобхонларни ҳам қалғитган, тўғрироғи, уларни илхомлантирган асосий нарса муаллифнинг сўнги изохидир. Бу изохда эса адиб Маргилонга кейинги сафар борганида яқин ўртоқларидан Ёдгорбек ҳақида суриштириб билганини айтган: "Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўгул қолибдур. " Ўғуллардан биттаси бу кунда Маргилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фаргона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлик-тириги маълум эмас, дейдилар".

Шубҳасиз, асар муаллифининг бу сўзларини ўқиган китобхонда Ёдгорбек ҳам, демак, Отабек билан Қумуш ҳам реал, яъни тирик қишилар бўлишган, деган тасаввур шаклланиши мумкин. Сир эмас, ҳар бир ёзувчи қахрамонларининг бадиий уйдирма маҳсули сифатида эмас, балки ҳаётда бўлган, жонли ва тирик қишилар сифатида қабул қилинишини истайди. Абдулла Кодирий ҳам шу маънода истисно бўлмаган. Лекин...

Агар Қумуш вафотидан кейин ўрнатилган қабр тошига "назар ташласак", унинг хижрий 1269 йилда дунёдан ўтгани маълум бўлади. Бу — милодий 1852—1853 йил, деганидир. Демак, Ёдгорбек ҳам худди шу йили тугилган ва 1919 ёхуд 1920 йили, тахминан 67 — 68 ёшида вафот этган.

Энди Ёдгорбекнинг Шуқур Жабборов ҳаёлидаги ўғли Холбек Ёдгоровнинг ҳаётномасини қаралаб қўрсак. Таникли журналист 1914 йили, яъни "отаси" 62 — 63 ёшни қоралаган

вакtda таваллуд топган. Яна каерда, денг? Маргилоннинг Гўри аввал махалласида. "Бир куни онам, — деб ёзган эди журналист Холбек Ёдгоров болалик кезларини эслаб, — мен, акам ва синглимни тўшакка ўтказди-да, токчага бозордан олиб келган шамни ёкиб кўйди. Хаммамизни яхшилаб тўйдирди. Уйимизда бир кути бўлгучи эди. У азиз меҳмонлар келгандагина очиларди. Бугун онаизор негадир уни очиб, бизнинг ёнгок, жийда, майиз билан сийладилар. Бунинг боисини билмай, хайрон эдик, кўп ўтмай, сир очилди.

— Эртага Холбекни олиб, мактабга борасан, — дедилар онам акамларга. Кўзларида ёш милтирарди.

Эрталаб етимхонага бордик... "

Бу воқеа 1919 йилда бўлган. Холбек Ёдгоров шу йили мактаб-интернатга ўқишга борган. Энди Холбек аканинг онаси, яъни Ёдгорбекнинг хотини тўгрисидаги мана бу сўзларни эшитинг:

"Етим бокиб эзилган, кишилар эшигида ишлаб, бирон хржатини чиқариб рўзгор тебратишга курби келмай колган Хамрох буви эса "ғарибхона "ни (мактаб-интернатни) эшитиб, хурсанд бўлди. Ўзи бойларга ёлланиб, ишлаб кун кўрса хам китобдан колмаган ёстикдоши Ёдгор аканинг васиятини эслади..."

Мана энди ўзингиз мулохаза қилиб кўринг. Бир томон-да — Абдулла Кодирийнинг Ёдгорбеги. У Маргилоннинг энг бой хонадонларидан бирида улгайган тагли-зотли киши. Иккинчи томонда — Гўри аввал махалласида — камбагаллар орасида дунёга келган, онаси чўрилик билан турмуш тебратган, "етимхона"да катта бўлган Холбек ака. Уларнинг ота-бола бўлишлари кийиндир-ов.

Абдулла Кодирийнинг Ёдгорбегидан икки фарзанд колган. Уларнинг бири Маргилоннинг масъул ишчиларидан, иккинчиси Фаргона босмачилари орасида. Шукур Жаббо-ровнинг Ёдгорбеги эса уч фарзанднинг отаси. Унинг иккин-чи фарзанди босмачилар орасида эмас, балки "етимхона"да. У эндигина беш ёшга тўлган...

Демак, Ёдгорбек — адиб ижодий фантазиясининг самараси.

Шундай экан, нега Абдулла Кодирий роман охирида Ёдгорбекнинг икки фарзанди тўгрисида маълумот беришни лозим топган? Гап шундаки, "Ўтган кунлар" ёзилган вақт ўзбек халқининг тарихий тақдири хал этилаётган, тўгривоги, хал этилиши кутилган йиллар эди. Туркистон Мухторият ҳукумати тор-мор этилганига карамай, халқнинг пешқддам кишилари мустақиллик йўлида кураш олиб бормокда эдилар. Тўгривоги, халқ, худди Ёдгорбекнинг фарзандларидек, икки бўлакка ажралиб, бир бўлаги совет идораларида хизмат қилаётган, иккинчиси эса, "босмачилар" сафида бўлса-да, курашаётган эди. Абдулла Кодирий ўзининг сўнги изохи билан халқ олдида ана шу икки йўлдан бирини танлаш имконияти борлигини айтмокчи бўлган.

Чинакам санъат асари фақат сюжет ипига тизилган воқеаларни китобхон эътиборига хавола этиш учун эмас, балки шу воқеалар мантикига сингдирилган бадиий мақсад учун ёзилади.

Наим Каримов